



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ПЕКИНДА ҚИШКИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида XXIV қишқи Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Тадбир хорижий давлатлар етакчилари, расмий делегациялар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Пекиндаги “Қуш уяси” миллий стадионида бўлиб ўтди.

Маросим бадий дастури ХХР Раиси

Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган “Инсоният умумий тақдири ҳамжамияти” концепциясини ўзида мужассам этган бўлиб, Хитой халқининг қадимий тарихи ва бой маданияти, жаҳон иқтисодиёти пешқадами сифатида

эришяётган улкан муваффақият ва ютуқлари, халқаро олимпия ҳаракатининг руҳи ва қадриятларини акс эттирди.

Сўнг Миллатлар паради бўлиб ўтди. Қишқи Олимпиадада иштирок этаётган

мамлакатларнинг спорт делегациялари, шу жумладан, Ўзбекистон жамоаси стадион бўйлаб юрди. Ўйинларда юртимиздан қатнашаётган тоғ чангичиси Комилжон Тўхтаев Ўзбекистон давлат байроғини тантанали кўтариб ўтди.

Ёрқин спорт байрами авжида Олимпия олови ёқилди. Маросим байрамонда мушакбозлик билан якунланди.

4-20 февраль кунлари ўтказиладиган Олимпия мусобақаларида спортнинг 15 та йўналиши бўйича 109 та

медаллар тўплами ўйналади, улар учун дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатидан 4 мингдан зиёд спортчи курашади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



Президентимизнинг жорий йил 28 январдаги фармони билан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

Ушбу ҳужжат келгуси беш йилда мамлакатимизда “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратишга қаратилгани билан аҳамиятли.

“

Парламент фаолиятида ҳам мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишларга ҳамроҳанг тарзда очиқлик ва шаффофлик бош мезонга айланиб, қонун лойиҳалари муҳокамаида жамоатчилик иштироки кенгайтирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Тараққиёт стратегияси сўнгги йилларда мамлакатимиздаги тизимли ижобий ўзгаришларнинг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилган Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этишдан келиб чиққан хулосалар ҳамда эришилган самара ва тўпланган улкан тажрибалар натижалари ҳамдир.

Тараққиёт стратегияси лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгани, муҳокамалар жараёнида халқимиз томонидан билдирилган 17,5 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, лойиҳага 100 га яқин концептуал ҳамда

200 дан зиёд аниқ характерга эга ўзгариш ва қўшимчалар киритилганининг ўзи ҳам бу муҳим ҳужжат қай даражада халқчил эканини яққол кўрсатиб турибди.

Инсон қадрини юксалтириш, эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш энг олий қадрият сифатида қаралган ушбу ҳужжат лойиҳаси муҳокамаларида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар, комиссиялар, депутатлар ва Ёшлар парламенти аъзолари ҳам ўзларининг асосланган таклиф ҳамда тавсиялари билан фаол иштирок этди.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

Халқ таълими соҳасидаги ташаббусларнинг самарали амалга оширилиши давлат ва жамият тараққиётига эришиш йўлидаги муҳим қадамдир. Замонавий дунёда таълимнинг кадр-қиммати тобора ортиб бормоқда, ҳозирги давр ёшлари келажакда улар учун янги уфқлар очадиган, энг илғор ғояларни рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган юқори сифатли билим ва кўникмаларга эга бўлишдан манфаатдор.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ



Мактаб таълимидаги ислохот ўта масъулиятли вазифадир. Юртимизнинг келгуси йиллардаги фаровонлиги ва барқарор ривожланиши унинг муваффақиятига боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг “2022–2026

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармонида халқ таълими тизими олдига янги масъулиятли вазифалар қўйилгани сабаби ҳам шунда.

Давоми 2-бетда

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

БИЗ РАҚАМЛАР ОРТИДАН ҚУВМАЯПМИЗ

асосий мақсадимиз — сифат ва самара

Етгита йўналиш бўйича 100 та мақсадни ўзда жамлаган, том маънода халқчил ҳужжат бўлган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси яқин келажақдаги ривожланиш йўлимизни белгиланинг муҳим асоси сифатида барчамиз учун дастуриламалдир.

Мазкур ҳужжатнинг тарихий аҳамиятга эга жиҳатларидан бири шундаки, ундаги режа ва мақсадлар нафақат соҳа мутахассислари, илмий доира вакиллари, маҳаллий ва халқаро экспертлар билан, шунингдек, кенг жамоатчилик, халқ билан кенгашиб муҳокама қилинди.



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
олий ва ўрта махсус таълим вазир

Бугун, мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари сонининг 159 тага етганини, аввало, Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати натижада деб таъкидлашни истардим. Йиллик қабул 200 минг нафардан ортгани ёки олий таълимдаги қамров доираси 30 фоиздан ошгани ҳам эътиборга молик. Албатта, Ҳаракатлар стратегияси амалга оша бошлаган дастлабки даврдаги кўрсаткичларга нисбатан уч-тўрт баробар юқорилаганини билдирди. Ушбу рақамлар Янги Ўзбекистонни

2022–2026 йилларга мўлжалланган ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган вазифалар юқалишнинг янги саҳифаси, янги босқичини очиб беради, десак муболаға бўлмайди.

Эътироф этиш керакки, бу борада асосий эътибор инсон кадр-қимматига қаратилган. Табиийки, инсоннинг кадрли бўлиши учун давлатнинг ўз фуқаросига нисбатан кўрсатаётган эъзози, эътибори ҳар доим ҳисобга олиниши керак. Мазкур жараён ҳар хил йўсинда кечади. Айниқса, таълим тушунчаси ушбу жабҳада катта роль ўйнайди. Шу ўринда нима учун деган ҳақли савол туғилади.

Азалдан яхши касб эгаси, малакали уста эл-улус орасида қадрланган, ҳурмат топган. Демак, намунали таълим олган, тажрибали мутахассиснинг жамиятдаги ўрни, нуфузи ошиб бораверади. Шунинг учун ҳам навбатдаги беш йилликда давлат дастурлари доирасида Ўзбекистонда ОТМлар сонини 200 тага етказиш режалаштирилган. Кўпчиликда булар фақат рақам ва сон ҳақида гапиряпти, сифат-чи, деган эътироз ҳам туғилиши табиий ҳол.

Йўқ, биз сон ортидан қуваётганимиз йўқ. Масалан, олий таълимга қамровни 2026 йилга бориб 50 фоиздан ошириш бежиз назарда тутилмаган. Демак, мактаб, лицей битирувчиларининг эллик фоиздан ортиғи, насиб этса, олий маълумотли деган шарафли номни олиш бахтига муяссар бўлади. Ва асосий масала, албатта, давлатимиз раҳбари томонидан бизнинг олдимизга қўйилаётган жиҳдиди вазифа таълим сифатини оширишдан иборат. Шунинг

учун ҳам ОТМга қамров доирасини оширишни кўпроқ хорижий илм даргоҳларининг филиаллари ва албатта, очилажак янги хусусий ОТМлар ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилган. Чунки ана шу давр ичида барча ОТМларда ўқув бинолари, замонавий жиҳозланган лаборатория ва ётоқхоналари кўпайтириб олишимиз керак. Бу каби жиҳатларга ҳам алоҳида урғу берилади. Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиш керакки, ўтган беш йил давомида ҳудудларда кўплаб олий таълим муассасалари очилди. Масалан, Сурхондарёда аввал битта ОТМ бўлган бўлса, ҳозир 6 тага етди. Бошқа вилоятларда ҳам 5–6 тадан олий ўқув юртлири ташкил этилди. Яъни 87 та олийгоҳнинг аксарияти чекка жойларда. Шунингдек, 2022 йил 28 январь куни Президентимиз раислигида мактаб таълимини ривожлантириш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир ҳудудда педагогика олийгоҳларини ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бундан қўзланган мақсад эса ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда таълимнинг ўрнини кўрсатиб бериш ва юқсак тараққиётга шу йўл орқали эришишдан иборат.

2022 йилда соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш мақсадида нодавлат олий таълим муассасалари сони 27 тадан, жами олийгоҳлар сони эса 170 тадан оширилади.

Жумладан, Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллар институти, Андижон давлат чет тиллар институти фаолияти йўлга қўйилса, Навоий давлат кончилиқ институти негизига Навоий политехника университети ташкил этилади.

Олий таълимнинг меъёрий-услубий тизими халқаро стандартларга мувофиқ жорий этилиши натижасида келгуси йилларда мамлакат олий таълим тизими жаҳон таълим маконига тўлиқ интеграция қилинади. Халқаро академик ва илмий мобилил ҳуқуқий асосга эга бўлган ҳолда кескин кенгайди, дипломлар, академик ва илмий

даражалар конвертацияси учун кенг имкониятлар яратилади. Таълим дастурларини халқаро миқёсда уйғунлаштириш имконияти кенгайиб, мамлакат олий таълим муассасалари халқаро рейтингларда тенгма-тенг иштирок этиши имконияти янада ошади. Таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш кенгайди, халқаро академик ва илмий лойиҳалар кўлами ошади, қўшма дастурлар асосида ўқиш имконияти ортади.

Ҳозир ҳеч бир соҳани ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, биз ҳам олий таълим тизимида маъмурий, ўқув, илмий ва молиявий жараёнларни бошқаришни тўлиқ электронлаштиришни назарда тутганимиз. Бунда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг асосий фаолияти ўқув жараёнига қаратилади ва қўзғода тартибга солиш амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

Дарс жадвалидан тортиб рейтинг дафтарчагача талаба ва унинг ота-онасининг телефонида бўлиши керак, биз бу ишни бошладик ва жорий йилда якунига етказамиз.

Барча олий таълим муассасаларининг ахборот-кутубхоналарини бирлаштирган ҳолда, ягона рақамли кутубхона тизимини жорий этиш ҳам талабаларнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ошишига хизмат қилади. Бунинг учун мавжуд барча ўқув ва илмий адабиётларни рақамлаштириш, электрон, аудиокитоблар яратиш орқали кутубхона базасини бойитамиз.

Талабаларга ўз олий таълим муассасида мавжуд бўлмаган китобларнинг бошқа олийгоҳда мавжудлигини кўриш ва ушбу китобни буюртма қилиш имконияти яратилади. Кейинчалик Рақамли кутубхона тизимини халқаро илмий кутубхона тизимларига интеграция қилиш режалаштирилган.

Бугунги талаба — эртанги мутахассис, малакали бошқарувчи, эртага давлат ва жамиятда ўз ўрнига эга бўладиган етук шахс. Шу боис, инсонларни, халқни қадрлашни таълим орқали рўёбга чиқариш тараққиёт стратегиясининг асосий ўзагидир. Ва барча диққат-эътибор таълим сифатига қаратилади.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”
УЧУН МАХСУСАҚШ Конгресси аъзолари
мамлакатларимиз ўртасида
дипломатик муносабатлар
ўрнатилганининг 30 йиллиги
бўйича махсус маъруза
тайёрламоқда

АҚШ Конгресси билан 2022 йилдаги парламентлараро ҳамкорлик режаларини муҳокама қилиш мақсадида мамлакатимиз элчиси Жавлон Ваҳобов Вакиллар палатасидаги “Ўзбекистон бўйича кокус” ҳамраислари, конгрессменлар Трент Келли (Миссисипи) ва Висенте Гонсалес (Техас) билан учрашувлар ўтказди.

Тадбирлар чоғида конгрессменлар мамлакатимизни ўзаро дипломатик муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг 20 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва Миссисипи Миллий гвардияси ўртасида ҳамкорлик ўрнатилганининг 10 йиллиги билан табриклади. Шу муносабат билан америкалик қонун ижодкорлари АҚШ Конгрессида бўладиган тингловлар чоғида “Сўнгги 30 йил ичида рўй берган энг барқарор муваффақиятлар тўғрисида” мавзусида маъруза қилишга тайёр эканини билдирди.

“Ўзбекистон бўйича кокус” ҳамраислари 2022 йил май ойида АҚШ Конгресси делегацияси мамлакатимизга ташриф буюришга тайёргарлик кўраётганини маълум қилди. “Мен ҳар сафар аjoyиб мамлакатингизда бўлганимда ўзим учун янги нарсаларни кашф қиламан. Шу боис, АҚШ Конгресси делегацияси таркибида Ўзбекистонга навбатдаги сафаримни ҳам интиқлик билан кутаяман”, деди Трент Келли.

Музокаралар чоғида АҚШ қонунчилари ўз идоралари тез орада бошқа конгрессменларни Республика мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати

билан Ўзбекистон мустақиллиги ва суверенитетини қўлаб-қувватлаш бўйича Конгресснинг махсус резолюциясини тайёрлашга ҳаммуаллиф бўлишга таклиф этилишни маълум қилди. Уларнинг сўзларига кўра, Конгресс томонидан ушбу ҳужжатнинг маъқулланиши мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланганидан 2022 йилда тарихий воқеага айланади.

Умуман олганда, конгрессменлар Трент Келли ва Висенте Гонсалес билан учрашувлар чоғида Ўзбекистон — АҚШ кун тартибининг долзарб масалалари, жумладан, парламентлараро алоқалар бўйича доимий ҳамкорлиқни ривожлантиришга келишиб олинди. Шунингдек, америкалик қонунчилар АҚШ Конгрессидаги “Ўзбекистон бўйича кокус” дўстлик гуруҳига бошқа конгрессменларни фаол жалб қилишда давом этишини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил 19 февраль куни Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлади.

“Дунё” АА

Вашингтон

МУНОСАБАТ

Юртимизни яшил
маконга айлантириш
ташаббуси илгари сурилди

Шавкат АБДУРАЗЗОҚОВ,
Наманган вилояти ҳокими:



— Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Наманган ва Минбулоқ туманларида “Тоza ҳудуд” давлат унитар корхоналаридаги техника воситалари давлат-хусусий шериклик асосида кластерларга узоқ муддатли шартнома асосида бириктириб берилди. Натижада соҳадаги ишлар тобора ривожланыпти. Вилоятимизда 2020 йил ҳолатига кўра чиқиндини йиғиш, қайта

ишлаш 54 фоиз эди, кластерлар фаолияти йўлга қўйилгач, бу борадаги кўрсаткич бугунги кунда 90 фоизга етди.

Вилоятдаги 12 та чиқинди йиғиш полигонини оптимизация қилиш мақсадида уларнинг олти таси ёпилди. Улар рекултивация этилиб, яшил ҳудудга айлантирилмоқда. Қолган олти тасини намунали чиқинди йиғиш полигонига айлантириш учун чиқиндини саралаш, қайта ишлаш техникаси ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудий дастур доирасида чиқинди йиғиш контейнерлари янги ланяпти, ҳар бир ташкилотда чиқинди йиғиш қутилари ўрнатилляпти. Энди бу ишларни янада жадаллаштириш чораларини кўрамиз.

1 мартдан “Яшил йиллик” умуммиллий тадбири бошланиши эълон қилинди. Тадбир доирасида бу йил вилотимизда 9 миллион туздан ортиқ ҳар хил дарахт кўчати экилиши режалаштирилган. Тўрақўрғон, Поп, Чуст, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларида боғ яратиш бўйича дастур тасдиқланган.

Бир сўз билан айтганда, “Яшил йиллик” тадбирини амалга оширишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Бу чора-тадбирлар келажақ авлодларга мусаффо табиат, соғлом экологик муҳит мерос қилиб қолдиришдек эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Эркинжон ТУРДИМОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими:

— Амир Темур Самарқандда барпо эттирган боғлар довуғи ўз даврида бутун оламга таралган, уларнинг қўрқи, тароватидан бутун дунё лол қолган.

Мазкур йиғилишида шу йўналиш бўйича Самарқанд тажрибасини ташкил этиш масаласи илгари сурилди. Шу билан бирга, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, табиатни асраш билан боғлиқ эзгу қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш хусусида сўз юритилди. Юртимизни яшил маконга айлантириш борасида янгича ташаббуслар илгари сурилди.

Чиқиндини йиғиш ва қайта ишлаш билан шуғулланганидан корхоналарга жуда катта имтиёз ва енгиллик берилляпти. Жорий йилдан бошлаб ушбу йўналишга доир импорт қилинадиган техника, бўлтовчи ва эхтиёт қисмлар божхона божидан 3 йил муддатга озод этилади. Саралаш ва қайта ишлаш технологиялари хариди учун 5 йилгача имтиёзли кредитлар ажратилади. Чиқиндини қайта ишлаш қувватлари мавжуд кластерларга бир қатор солиқ имтиёзлари берилиши ҳам катта имконият бўлди.

Ишончимиз комилки, бу чора-тадбирлар чиқиндини йиғиш ва қайта ишлаш

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИШ
ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

Бахтиёр САИДОВ,
халқ таълими вазир

▶ Бошланиши 1-бетда

Фармонда таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратилиши кўрсатиб ўтилган. Айни вақтда янги авлод дарсликларини илғор тажрибалар асосида тўлиқ янгилаш учун Буюк Британия, Франция, Германия каби давлатлардан қирққа яқин халқаро эксперт жалб қилинган. Мазкур дарсликлар ўқувчиларнинг назарий билиминини ошириб, фикрлашга қорлайдиган методикалар сирасига қиради.

Шунингдек, 141 мингта янги ўқув ўрни ва уларнинг сонини 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказиш, мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича чоралар қўриш вазифаси юқлатилган.



Иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг ягона ва самарали тизимини яратиш, ўқувчиларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида уларнинг ташаббусларини қўлаб-қувватлаш, талабчан мутахассислар, барча имко-

ниятларга эга педагог кадрлар тайёрлашни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда Уччинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириш жараёнида таълим соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Бир умрлик таълим занжирининг барча босқичларида болалар ва ўсмирларнинг билим ва кўникмалар эгаллаши учун энг қулай шaroитларни яратиш зарур. Кейинги уч йилда эса барча синфларда янги авлод дарсликларини жорий этиш режалаштирилган. Биргина 2022 йилнинг ўзида умумтаълим мактабларининг 3-, 6-, 7-, 10-синфлари учун 400 дан ортиқ янги дарслик, машқ дафтери ва қўлланмалар яратилиб, асосий фанлар халқаро экспертизадан ўтказилади. Хусусан, педагоглар учун илк маротаба ҳар бир фандан яратилаётган ўқитувчи китоблари мактабларимизга Миллий ўқув дастурига асос бўлган замонавий методика ва ёндашувларнинг кириб бориш суръатини жадаллаштиради.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун ўқитувчиларнинг билим даражасини келиб чиқиш, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш ишларини жадаллаштириш зарур. Келгусида ўқитувчи-

лар халқаро стандартларга жавоб берадиган қайта тайёрлашдан ўтади. Шу билан бирга, босқичма-босқич янги таснифлаш тизими жорий этилади. Юқори малака даражасини тасдиқловчи сертификатга эга бўлган ўқитувчилар махсус совгалар билан тақдирланади.

Шунингдек, мактабларда таълим олиш учун қулай шарт-шaroитлар яратиш, жумладан, ўқувчи ўринлари сонини кўпайтириш орқали комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. 400 га яқин янги мактаб қурилади ва 3 мингта мавжуд мактаб реконструкция қилинади. Жорий йилда 47 та янги таълим муассасаси қурилиши режалаштирилган. 203 таси 2022 йилда реконструкция қилиниши керак.

Бир сўз билан айтганда, мактаб таълимини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш учун улкан ислохотлар сари дадил қадам қўйилди. Галдаги марра ушбу вазифаларни жадал суръатларда ижро этиш. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ушбу ислохотлар Ватанимиз келажақидир ва бу йўлда шошқалоқлик қилиш ярамайди. Шундай экан, мазкур масъулиятли йўлда барчамиз стратегик мақсадларни тўғри белгилаб олишимиз лозим.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Нуриддинжон ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Спикери

Бошланиши 1-бетда

“Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида шакллантирилган “Инсон қадри учун”, “Давлат — инсон учун”, деган эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимиз ривожланиш тенденциялари, бу борадаги устувор вазифалар белгиланган бўлиб, **7 та устувор йўналиш доирасида 100 та мақсад ва 398 та вазифани амалга ошириш кўзда тутилган.**

Таъкидлаш жоизки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида бешта устувор йўналиш бўйича ҳар йили қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилган давлат дастурлари ижроси натижасида янги Ўзбекистон пойдеворининг тамал тошлари қўйилди. Энг муҳими, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар Олий Мажлис палаталари фаолиятида ҳам ижобий натижаларга эришилиш учун замин яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда демократик ислохотларни амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш бўйича **Олий Мажлис палаталарига қўшимча ваколатлар берилди.**

Биринчидан, ҳукуматнинг давлат дастури ижроси бўйича парламент олдига ҳар чоракда ҳисобот бериши амалиёти йўлга қўйилди.

Шунга мувофиқ, Қонунчилик палатасида ҳамда унинг қўмиталари ва сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида ҳукуматнинг тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури ижроси юзасидан ҳисоботи ҳар чоракда қўриб борилаётгани белгиланган вазифаларнинг изчил бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан, Олий Мажлис фаолиятида ҳукумат иши устидан парламент назоратининг муҳим тури — мунтазам равишда ўтказиладиган “Ҳукумат соати” институти жорий этилди. Мазкур институт парламент назорати фаолиятига янгича руҳ олиб кирди. Зеро, бу жараён жойларда аҳолини ташвишга солиб келаётган қатор муаммолар ва масалаларни ҳал этишда ижро этувчи ҳокимият ҳамда парламент ҳамкорлигининг энг самарали усулига айланди.

2021 йилда 7 маротаба “Ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда ҳукумат аъзолари халқ вакилларининг долзарб масалаларга доир саволларига атрофлича жавоб берди.

Учинчидан, ижро ҳокимиятининг халқ вакиллари олдигада масъулиятини ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартибини янада демократлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимиغا биноан ҳукумат аъзолари номдотларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш амалиёти жорий этилди.

2021 йил давомида ҳукумат аъзолигига 9 нафар номзод Қонунчилик палатаси мажлисларида қўриб чиқилди. Номзодларнинг муайян соҳани ривожлантириш бўйича яқин муддатга ва истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури билан депутатлар олдига чиқиш тизими йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, парламент назорати самарадорлигини ва депутатлар корпуси масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, парламент назорати объектига қараб ҳўжалик бошқаруви органлари ҳам киритилди. Шундан келиб чиқиб, ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига ҳам парламент сўровини юбориш институтидан фойдаланиш натижадорлиги кенгайтирилди.

Бешинчидан, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистон томонидан бажарилишига, мамлакатимиз халқаро рейтинглар ва индекслардаги кўрсаткичларини янада яхшилашга доир режалар ижросини назорат қилиш ҳам парламент амалиётига кириб келди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган даврда депутатлар корпуси парламент назоратининг анъанавий институтларидан ҳам самарали фойдаланди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 2021 йил давомида 16 та парламент сўрови юборилди. Натижада ижтимоий, соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш каби соҳаларда, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган ва қийнаб келаётган бир қатор муаммолар ҳал қилинди. Қўйи палата мажлисларида давлат ва ҳўжалик

бошқаруви органлари раҳбарларининг 23 маротаба ахбороти “Парламент эшитуви” тартибида эшитилди, мансабдор шахсларга 462 та депутат сўрови юборилди.

Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан ўтган йилда 19 та қонуннинг ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Умуман олганда, Қонунчилик палатасининг ўтган даврдаги парламент назорати йўналишидаги фаолиятини янгича мазмун-моҳият билан бойитиш, амалий натижадорликка эришиш, парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йилда жами 160 та қонун лойиҳаси қўриб чиқилиб, 96 та қонун қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Жумладан:

— ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган янги Меҳнат кодекси қабул қилинди;

— аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш, нархлар барқарорлигини сақлаб қолиш ҳамда бу борада ҳукуматни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар беришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди;

— ер муносабатларини тартибга солиш, ердан самарали фойдаланишга қаратилган “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хўсусийлаштириш тўғрисида”ги “Деҳқон ҳўжаликлари тўғрисида”ги, “Томорқа ҳўжаликлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди;

— хавфсизлиқни таъминлаш соҳасида “Фавқуллодда ҳолат тўғрисида”ги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги, “Транспорт тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди;

— суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга қаратилган “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қатор қонунлар қабул қилинди.

Тараққиёт стратегиясида мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ролини ошириш борасида кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришишда ҳамкор мамлакатлар билан ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида минтақавий ва глобал масалалар бўйича мувозанатли, доимий мулоқот олиб бориш, йирик халқаро тadbирларда Ўзбекистоннинг позициясини ҳамда умумжаҳон миқёсидаги ташаббусларини илгари суриш, парламентлараро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни жадаллаштириш масалалари бундан бўён ҳам парламентнинг доимий эътиборида бўлиб қолади.

Ушбу йўналишда **Парламентлараро Иттифок, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси** билан амалий ҳамкорлик режалари тасдиқланиб, бугунги кунда бу борада тизимли ишлар олиб борилмақда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепциясида Олий Мажлиснинг халқаро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини амалга оширишнинг стратегик мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари, принциплари ҳамда механизмлари белгиланган.

Бугун Қонунчилик палатаси халқаро йўналишдаги ишининг натижадорлиги ошиб, халқаро алоқалар географияси кенгайди.

Агар 2019 йилда Олий Мажлисда хорижий давлатлар парламентлари ҳамда Европа Иттифоқи парламенти билан жами 28 та парламентлараро гуруҳ тузилган бўлса, бугунги кунда ушбу парламентлараро гуруҳлар сони 52 тага етди ва “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” парламент ҳамкорлик қўмитаси ҳузурида Олий Мажлис делегацияси ташкил этилди.



Ҳозирги вақтда Олий Мажлис халқаро алоқаларининг кенг кўламли дастури мамлакатимиз ташқи сиёсий йўлининг муҳим таркибий қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳам икки томонлама шартномалар йўналиши бўйича, ҳам халқаро парламентлараро ташкилотларида дадил илгари суриш имконини бермоқда.

Қайд этиш жоизки, Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлар ва жорий йил бўйича қабул қилинган давлат дастуриде белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг жорий йилдаги устувор йўналишларини

“Тараққиёт стратегияси лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгани, муҳокамалар жараёнида халқимиз томонидан билдирилган 17,5 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, лойиҳага 100 га яқин концептуал ҳамда 200 дан зиёд аниқ характерга эга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганининг ўзи ҳам бу муҳим ҳужжат қай даражада халқчил эканини яққол кўрсатиб турибди.



белгилашда, аввалги йиллардан фарқли равишда бутунлай янгича ғоя ва мақсадлар асосида ёндашилди.

Қонунчилик палатасининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти асосий йўналишларини ишлаб чиқшда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича давлат дастурида, шунингдек, мамлакатимиз Президентининг қатор дастурий маърузалари, фермонлари ва қарорларида белгиланган устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, парламент назоратида доир фаолиятини кучайтириш, парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, парламент вакилларининг халқ билан доимий мулоқотини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш каби устувор мақсад ва вазифалар акс эттирилган.

Шунингдек, келгусидаги фаолиятимизнинг асосий йўналишлари сифатида Қонунчилик палатаси фаолиятида очиклик ва шаффофлиқни таъминлаш, депутатларнинг ўз сайловчилари билан тўғридан-тўғри алоқада бўлиш имконини берувчи алоҳида электрон платформани ишга тушириш ва уни такомиллаштириб бориш ҳамда халқ вакилларининг жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишдаги иштирокини янада кучайтиришга доир бир қатор вазифалар белгиланган.

Тараққиёт стратегиясида қонун ижодкорлиги ва парламент назорати жараёниларида фуқароларнинг иштирокини

таъминлаш орқали жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини ошириш, очиклик ва шаффофлиқни таъминлаш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Парламент фаолиятида ҳам мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишларга ҳамоханг тарзда очиклик ва шаффофлик бош мезонга айланиб, қонун лойиҳалари муҳокамасида жамоатчилик иштироки кенгайтирилмоқда.

Хусусан, Қонунчилик палатасининг барча мажлисларини “O‘zbekiston” ва “Uzgerot” телеканалларида ҳамда Қонунчилик палатасининг YouTube даги расмий саҳифаси орқали жонли тарзда ёритиш амалиёти йўлга қўйилди.

Парламент тadbирлари тўғридан-тўғри эфирга узатилаётгани натижасида фуқаролар томонидан билдирилган кўп-лаб таклиф ва фикр-мулоҳазалар қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга, шунингдек, Қонунчилик палатаси фаолияти шаффофлигини таъминлашга ҳамда ҳукумат аъзолари, ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳисобдорлиги даражасини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Медиа макон талаблари ва эҳтиёжларига мос тарзда Facebook, Telegram ва Instagram каби ижтимоий тармоқлар ҳамда YouTube видеохостингига “Oliy Majlis Qonunchilik palatasi” номли расмий саҳифалар очилгани палата фаолиятига оид ҳолис, ишончли ахборот тарқатилиш имкониятини бермоқда.

Тараққиёт стратегиясида “Электрон парламент” доирасида депутатларнинг ўз сайловчилари билан тўғри-

дан-тўғри мулоқот олиб бориш, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёни ракамлаштириш масалалари бўйича ҳам вазифалар белгиланган.

Бу борада Қонунчилик палатасида депутатларни ўз сайловчилари билан боғлаш, шу жумладан, улар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, амалга оширилаётган ишлар, қўриб чиқилаётган ҳужжатлар ва сайловчилари қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш имкониятини берадиган Қонун ижодкорлиги фаолияти тизими — www.qonul.gov.uz ҳамда Депутатлар портали — www.deputat.gov.uz ахборот тизими ишга туширилди.

Бугунги кунда айнан депутатлар одамларни безовта қилаётган долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан олиб борилаётган фаол мулоқотнинг ташаббускори бўлмоқда. Қонунчилик палатаси томонидан қонунлар моҳияти ва аҳамиятини берадиган Қонун ижодкорлиги фаолияти тизими — www.qonul.gov.uz ҳамда Депутатлар портали — www.deputat.gov.uz ахборот тизими ишга туширилди.

Бугунги кунда айнан депутатлар одамларни безовта қилаётган долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан олиб борилаётган фаол мулоқотнинг ташаббускори бўлмоқда. Қонунчилик палатаси томонидан қонунлар моҳияти ва аҳамиятини берадиган Қонун ижодкорлиги фаолияти тизими — www.qonul.gov.uz ҳамда Депутатлар портали — www.deputat.gov.uz ахборот тизими ишга туширилди.

Бугунги кунда айнан депутатлар одамларни безовта қилаётган долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан олиб борилаётган фаол мулоқотнинг ташаббускори бўлмоқда. Қонунчилик палатаси томонидан қонунлар моҳияти ва аҳамиятини берадиган Қонун ижодкорлиги фаолияти тизими — www.qonul.gov.uz ҳамда Депутатлар портали — www.deputat.gov.uz ахборот тизими ишга туширилди.

Бугунги кунда айнан депутатлар одамларни безовта қилаётган долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан олиб борилаётган фаол мулоқотнинг ташаббускори бўлмоқда. Қонунчилик палатаси томонидан қонунлар моҳияти ва аҳамиятини берадиган Қонун ижодкорлиги фаолияти тизими — www.qonul.gov.uz ҳамда Депутатлар портали — www.deputat.gov.uz ахборот тизими ишга туширилди.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Кенгашларининг ислохотлар



“Келгусида инвестиция дастурлари доирасида 6 миллионга яқин янги иш ўринларини яратиш, таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга, шунингдек аҳолини экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга устувор аҳамият қаратилади.

жараёнидаги ролини кучайтириш мақсадида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида айрим депутатларнинг доимий асосда ишлаши тартиби ҳамда “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” лойиҳаси доирасида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига замонавий ахборот технологиялари жорий этилади.

Қабул қилинган давлат дастурида ҳудудларни ривожлантириш ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда муҳокама қилишда ҳудуддан сайланган депутатларнинг иштирокини кучайтириш, парламент назоратини биргаликда амалга ошириш бўйича Олий Мажлис палаталари томонидан келишилган ҳолда қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда таъминлаш амалиётини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Давлат дастурида депутатлар фаолиятини самарали ташкил этиш борасидаги ишларни янада ривожлантириш масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Жумладан, “Ҳукумат соати”ни ўтказиш доирасида ҳукумат аъзоларига онлайн равишда фуқаролардан келиб тушаётган тизимли муаммолар бўйича депутатлар томонидан саволлар бериш тартиби жорий этилади. Парламент палаталари аъзоларининг сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши, уларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнини рақамлаштириш, депутатларни ўз сайловчилари билан боғлаш, фуқароларнинг парламентда муҳокама қилинаётган ҳар бир масаладан хабардор бўлишини таъминлаш, сайловчилар билан “қайта алоқа” имкониятлари янада кенгайтирилади.

Давлат раҳбарининг ғояларидан келиб чиқиб, депутатлар учун парламент қўйи палатасида замонавий, қудай ва мутлақо янгича қиёфадаги “Парламент кутубхонаси” ташкил этилди. Бугунги кун андозаларига мос тарзда қурилган ушбу Парламент кутубхонаси замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган ҳамда кутубхона фонди янгидан-янги сиёсий ва бадий адабиётлар билан тўлдирилди. Келгусида ушбу кутубхонанинг имкониятлари янада кенгайтирилади.

Депутатларнинг сайлов округида сайловчилар билан тизимли мулоқотини кучайтириш, жойларда мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, тезкорликда баргараф этиш мақсадида депутатлар ташаббуси билан **депутат ёрдамчиси институти** жорий этилди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шундан келиб чиқиб, келгусида халқ вакилларини ўз сайловчилари билан янада яқинлаштириш, сайловчиларнинг қайфиятидан доимий равишда хабардор бўлиб туриш мақсадида депутат ёрдамчилари фаолияти такомиллаштирилади.

Депутатларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини жонлантириш долзарблигига қолади. 2021 йилда депутатлар ташаббуси билан атига 12 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қўйи палатага қўриб чиқиш учун киритилган. Бу кўрсаткич жуда оз ҳисобланади. Шу сабабли депутатлар бундай имкониятдан кўпроқ фойдаланиши учун тегишли чоралар белгиланади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари билан уларнинг марказий Кенгашлари, маҳаллий Кенгашлар ва ундаги депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожлантирилади. Бунда ҳар йили парламентнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади, “Қонунчилик палатаси депутати — унинг ёрдамчиси — маҳаллий Кенгаш депутати” тизими асосида қонун лойиҳалари бўйича фикрлар ва таклифларни олиш, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида, парламент назорати тadbирларида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари вакилларининг иштирок этиши, уларнинг фикрларини олиш, қабул қилинган парламент қарорлари ижросини жойларда маҳаллий

Кенгашлар депутатлари билан биргаликда таъминлаш амалиёти йўлга қўйилади.

Қонун лойиҳаларини қўриб чиқиш сифатини яхшилаш мақсадида Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида тузилган экспертлар гуруҳлари имкониятларидан кенг фойдаланилади, шунингдек, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари мажлисларида ҳар бир қонун лойиҳасини номигагина эмас, балки бир неча бор том маънодаги принципиал муҳокамалардан ўтказиш амалиёти давом эттирилади.

Парламентнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Парламент ва Ҳукумат ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларни янги йўналишда ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Спикери ҳамда Бош вазир томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қиритилаётган қонун лойиҳаларини маромига етказиш борасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан Қонунчилик палатаси қўмиталари аъзолари ва Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари ходимлари иштирокида туркум семинарлар ўтказиш” жадвали асосида Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари вакиллари иштирокида туркум семинарлар ўтказилди.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш бўйича ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурларида белгиланган устувор вазифаларнинг самарали бажарилишида ҳам парламент назорати муҳим ўринга эга эканидан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси томонидан ушбу йўналишдаги фаолияти янгича ёндашувлар асосида амалга оширилади.

Жумладан, келгусида Ҳукумат, давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг қурилиш, туризм ва спорт, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, қишлоқ ва сув ҳўжалигида, ҳўнармандчилик, пиллачилик ва қоракўлчилик йўналишларида ҳамда инвестиция дастурлари доирасида 6 миллионга яқин янги иш ўринларини яратиш, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳоли соломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салохиятини ошириш дастурини бажариш, республиканинг ҳар бир ҳудуди бўйича экологик вазиятни яхшилаш, санитар тозалаш ишларини тизимли йўлга қўйиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга жорий этиш, жумладан, аҳоли массивларида “яшил боғлар” ҳамда “яшил жамоат парклари”ни ташкил қилиш борасидаги фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга, шунингдек, аҳолини экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга устувор аҳамият қаратилади.

Хулоса қилиб айтганда, **2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** нафақат мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётини, шу билан бирга, унинг узоқ йиллик ривожланиш стратегиясини белгиллаб берувчи муҳим ҳужжат ҳисобланиб, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланишида, мамлакатимизни модернизация қилишда ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқ сайлаган вакиллар орқали фуқаролар манфаатларини ифодаловчи ҳақиқий демократик орган сифатида шакллланган, давлат ҳокимияти органлари тизимида муносиб ўрин эгаллаган парламент келгусида ҳам Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашнинг фаол иштирокчиси бўлиб қолади.

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ

Юртимизда электромобилларга бўлган талаб ҳам, қизиқиш ҳам тобора ортиб борапти. Атроф-муҳит учун мутлақо зарарсиз бўлган бу турдаги транспорт воситалари камхаржлиги билан ҳам қатор афзалликларга эга. Жорий йилнинг 1 февраль куни пойтахтимизга ана шундай экологик тоза, ҳар томонлама қулай ва замонавий электробуслар олиб келинди. “ZK6126BEVG” русумли 20 та электробуснинг бир қисmini “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 8-филиали қабул қилиб олди.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!



ПОЙТАХТ КЎЧАЛАРИДА ХАРАКАТЛАНАДИГАН ЭЛЕКТРОБУСЛАР

экологик тоза, ҳар томонлама синовдан ўтган

Электробуснинг ўзига хос имкониятлари билан танишиш мақсадида биз ҳам автосаройга йўл олдик. Жамоат транспортда “Юнусобод-6” мавзеси — “Бешёғоч” даҳаси ҳамда “Қўйлиқ 1” мавзеси — “Гуллобод кўчаси” йўналишлари кўрсатилган.

Деярли шовқинсиз ҳаракатланаётган транспортнинг замонавий ташки ва ички дизайни одатий автобуслардан фарқ қилади. 32 ўриндиқли электробуснинг йўловчи ташвиш умумий ҳажми 85 кишидан иборат. Поли паст, зинапоялар ва подиумнинг йўқлиги туфайли йўловчилар (жумладан, пенсионерлар, аравачаларда ҳаракатланувчи йўловчилар, алоҳида эҳтиёжли кишилар) салон бўйлаб эркин ҳаракатлана олади. Имконияти чекланганлар учун ажратилган махсус ўриндиқлар эса алоҳида ранг ва белгилар билан ажратилган. Ногиронлар чиқиши учун зарур кўтаргичлар бор. Ички салон видеокузатув камераси, ҳаво намлигини сақлаш ва иситишнинг автоматик тизими билан жиҳозланган.

— Электробуслар Хитойнинг “Yutong Bus co., Ltd” компаниясида ишлаб чиқарилган, — дейди 8-автосарой раҳбари Бекзод Ибрагимов. — Бу юртимизга келтирилган илк электробуслар эмас. Бундан олдин Беларусь, Хитойнинг бир нечта компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган, электр қувватига ишлайдиган автобуслари синовдан ўтказдик. Йўналишлар кесимида юргизиб, бир неча



ой давомида текширдик. Жараёнда уларнинг айримларида шовқини баландлиги, қуввати белгиланган масофага етмаслиги, ўриндиқлари пластмассадан ишлангани аниқланиб, бу камчиликлар бизга маъқул келмади. Сўнгги хулосаларга қўра, ҳозирги “ZK6126BEVG” русумли электробуслар танланиб, компания билан шартнома имзоланди. Юқоридаги жиҳатлар борасида бу вариант анча афзалликларга эга.

Электробуслар 4 соат давомида оладиган тўлиқ қуввати билан 300-320 километр масофани босиб ўтади. Яъни, олинган қувват эрталабдан кечгача етади. Заряд 12 фоиз қолганида автобус автоматик тарзда юришдан тўхтади — шу орқали қувватлантириш зарурлигини билдиради. Унинг аниқ кўрсаткичлари ва бошқа барча маълумотлар эса сенсорли экранда кўриниб туради. Асосийси, электробуслар ҳаракатланиш давомида

экологияга мутлақо зарар етказмайди.

Айни вақтда бу энг муҳим кўрсаткичлардан бири. Ахир, автотранспортнинг атмосфера ҳавосига чиқараётган ифлослантирувчи моддалари ҳажми ошиб бориши транспорт воситаларининг экологик даражаси, фойдаланилаётган ёқилғи ва йўл ҳаракатини ташкил этиш сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Дунё ҳамжамияти инсоният учун “яшил макон” яратиш ҳаракатига тушган. Мамлакатлар тобора ифлосланиб

бораётган атроф-муҳит, зарарли моддаларга тўлган экологияни асраб қолиш, глобал ўзгаришларнинг салбий оқибатларини камайтириш, азон қатламини ғуборлардан тозалаш йўллари изланыпти.

Шундай мураккаб шароитда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва “яшил энергетика”га ўтиш энг мақбул ечимлардан бирига айланди. Айниқса, атмосферага энг кўп зарар етказадиган автотранспорт воситаларини электрон ҳаракатланиш тизимиغا ўтказиш жадлашиб борапти. Юртимизда ҳам бу масалага эътибор ошган. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида давлатимиз ижтимоий транспортнинг камида 50 фоизи ҳавога зарарли моддалар чиқариши камайтириш учун муқобил ёқилғи турларига ўтиши белгиланган.

Хўш, мамлакатимизда барча транспорт воситалари электр энергиясида ҳаракатланса, ҳаводаги карбонат ангидрид



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

миқдори қанчага камайди? Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти мутахассислари бу борада таҳлил ўтказди. Унга қўра, 2020 йилда ёнилғида ҳаракатланувчи автотранспортларнинг CO2 эмиссияси 7,69 миллион тоннани ташкил қилган. Мазкур транспорт воситалари электр энергияси орқали ҳаракатланганида, CO2 эмиссияси 7,69 эмас, 4,99 миллион тонна бўлиши аниқланди. Демак, электромобиллардан фойдаланиш заҳарли газлар чиқишини 2,7 миллион тонна камайтиради. Таққослайдиган бўлсак, шунча миқдордаги CO2 зарарини қоплаш учун 108 миллионга йирик дархат талаб этилади.

Ўқин кунларда шаҳримиз кўчаларида ҳаракатланадиган электробуслар ҳам экологик тозаллиқни асрашга хизмат қилади. Янги автобусларнинг нафақат экология ва иқтисодиётга, балки ҳайдовчилар саломатлигига ҳам фойдали томонлари бор.

— 21 йилдан буён автобус ҳайдаман, — дейди 8-автосарой ҳайдовчиси Дониёр Зияев. — Бир кунда 14-15 соат рудда ўтираман. Бу кўпинча умуртқа чураси касаллиқларига сабаб бўлади. Электробусларга ўрнатилган ортопедик ўриндиқлар эса бу муаммоларнинг олдини олади. Ўриндиқлар тагидаги иситиш тизимлари қишда оёқлар совқотмаслигига хизмат қилади. Бундан ташқари, автобусдаги автоматик бошқариш функциялари ҳайдовчиларга кўплаб қулайликлар яратади. Синов жараёнида 3 ой электробусни бошқариб, бунга амин бўлдим. Масалан, авария ҳолати юзага келса, транспорт автоматик тарзда тўхтади. Йўл чиқиқларидан чиқиб кетса ҳам автобус овоз орқали сигнал беради.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан жорий йилда бошқа турдаги автобуслари ҳам янгиланган кўзда тутилган. Жараёнда харид қилинадиган автобусларнинг замонавий бўлиши, сиқилган табиий газ ёки электр қувватига ишлайдиган двигателлар билан жиҳозлангани, ногиронлиги бўлган шахсларни ташвишга мўлжаллангани (аппарелнинг мавжудлиги), кондиционер, автобус саломида бекатлар ва йўналишларни кўрсатиб турувчи ёзма ва овозли эълон қилиб борадиган электрон таблолар, автомат узатиш қутиси, хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида видеокузатув камералари, йўлқира ҳақини автоматлаштирилган тўлов тизими ёрдамида амалга ошириш учун валидаторлар ва бошқа қулайликлар билан жиҳозланганига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Асосий мақсад юртдошларимизнинг сифатли ва хавфсиз жамоат транспортга бўлган талабини қондиришдан иборат.

Куни кеча олиб келинган электробуслар эса тез кунларда белгиланган йўналишларда қатнай бошлади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

БАЛИҚЧИЛИК: “ГОЛД ФИШ АГРО” ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШМОҚДА

Мутахассисларнинг таъкидлашича, балиқ гўштида организм учун керакли бўлган кўплаб фойдали элементлар, турли витаминлар мавжуд. Шу боис, метёрида балиқ истеъмол қилиш юрак тасисталарининг олдини олади, кўриш қобилиятини, уйқуни яхшилади, организмдаги холестерин миқдорини камайтиради, жигар учун фойдали ҳисобланади.

Аммо бугун аҳолимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия этган миқдордан кам балиқ истеъмол қилади. Буни Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунинг бир неча сабаблари бор, албатта. Биринчидан, вилоятда балиқ маҳсулотлари сотишга ихтисослашган махсус савдо дўконлари кам, иккинчидан, балиқ нархи қиммат. Энг асосий сабаб эса, ушбу соҳа қатор йиллар эътибордан четда қолди. Фақат сўнгги беш йилда қўрилган чора-тадбирлар туфайли соҳада ўсиш кўзга ташлана бошлади.

Айни пайтда Жиззах вилоятида 220 дан ортиқ балиқчилик хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларда ўтган йилда 20 минг тоннадан зиёд балиқ етиштирилган, маҳсулотнинг асосий қисми бошқа вилоятларга сотилган.

Жиззах шаҳридаги “Марказий” ва “Ором” деҳқон бозорларидаги ихтисослашган махсус савдо дўконларидан ташқари, вилоятда балиқ сотиладиган бошқа махсус жойлар йўқлиги сабабли туманларда яшовчи аҳолининг аксарияти ушбу парҳезбop маҳсулотни мунтазам харид қилиш имкони бўлмапти.

Бир пайтлар товуқ гўшти ҳам жуда қиммат, асосан, хориждан музлатилган ҳолатда келтириларди. Халқ тилидаги “табака” бизда энг танқис таомлардан ҳисобланган. Президентимиз ташаббуси билан паррандчилиги соҳасидаги ислохотлар самараси ўларoқ, бугун бозорларимиз арзон товуқ ва тухум маҳсулотлари билан тўла. Нархлари ҳам ҳамёнбop.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг сердаромад, аммо кам эътиборли тармоқларидан бири бўлган балиқчиликни ҳам ривожлантириш, парҳезбop ва сoлoмaтлнк учун фойдали неъматни етиштириш ҳамда қайта ишлашни замонавий технологиялар асосида йўлга қўйиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 13 январдаги “Балиқчилик тармогини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани янада такомиллаштириш, балиқ маҳсулотлари турларини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд ҳавзалардан самарали фойдаланиш имконини яратди. Шунингдек, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда балиқчилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг оқсилга бой маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор билан Жиззах вилоятининг Шарoф Рашидов туманида ташкил этилган балиқчилик кластерининг аҳоли хонадонлари билан кооперация асосида ишлаш тажрибасини ҳар бир вилоятда жорий этиш белгиланди.

— Тўғриси, хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Давлатимиз раҳбари қарори билан бизнинг балиқчилик соҳасидаги тажрибамиз бутун республикамиз микёсида жорий этилмоқда, — дейди Шарoф Рашидов туманидаги “Голд Фиш агро”

балиқчилик кластери менежери Аброр Нарзиев. — Ҳаммаси давлатимиз раҳбарининг 2021 йил вилoятимизга ташриф чоғида кластеримиз фаолияти билан танишганидан сўнг бошланди. “Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, деярли ҳар бир хонадонда даромад манбаи яратишни уйлаяпмиз. Мана, тайёр лойиҳа. Шундай ховузларни етказиб бериб, тартиб-қоида-сини ўргатиб, уй шароитида балиқ боқишни кўпайтириш керак”, деган эди Президентимиз ўшанда.

Мазкур ташрифдан сўнг бутун республикага танилдик. Кўплаб вилоятлардан мазкур соҳага қизиқувчилар келиб, фаолиятимиз билан танишяпти, тажрибаларимизни урганмоқда.

Президентимизнинг қарори балиқчиликка катта эътибор, балиқ етиштирувчиларга имтиёзлар берилди. Жумладан, 2022 йил 1 февралдан бошлаб эътибор берилмаган эди. Жорий йилда бизнинг тажрибамиз асосида республикада 10 минг хонадонда интенсив балиқ етиштириш йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига ер солиғи ва мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдорида белгиланди.

2022 йил 15 январдан бошлаб “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун ажратиладиган кредит суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ози эллик бараваридан уч ози бараваригача оширилди.

Маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимларининг ёрдамчилари кооперация асосида хонадондор балиқ етиштириш бўйича ташаббускор балиқчилик хўжалиқлари-



нинг рўйхатини шакллантириб, “Ўзбеклаксанаот” уюшмаси билан биргаликда лойиҳаларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатадиган бўлди.

Узим шу соҳада кўп йиллардан бери меҳнат қиламан. Балиқчиликка давлат томонидан ҳали ҳеч қачон бундай катта эътибор берилмаган эди. Жорий йилда бизнинг тажрибамиз асосида республикада 10 минг хонадонда интенсив балиқ етиштириш йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Бу дегани, ўн минг аҳолини бандлиги таъминланади, ҳар бир оилада ўртача беш киши яшаса, эллик минг кишининг яшаш ва турмуш шароити яхшиланади. Рақобат қучайса, маҳсулот кўп бўлса, нарх ўз-ўзидан арзон бўлади. Натигада халқимиз парҳезбop арзон балиқ гўшти билан таъминланади.

Кластеримиз томонидан балиқчилик соҳасида ўз тадбиркорлигини ташкил этишни хоҳлаган юртдошларимизни ўқитиш, амалий машғулотлар ташкил этиш

учун ўқув биноси қуриб битказилди. Ушбу соҳага қизиққан ҳар бир киши бу ерда билим ва кўникмаларини ошириши мумкин. Фақатгина назарий билим камлик қилади, шунинг учун ҳам ўқиётганларга биз шу ернинг ўзига амалиёт ҳам тақдим этилди. Синфхонадан интенсив ховузларга ўтамиз, ўқувчилар ўз кўллари билан барча ишни бажариши, жараёнда қатнашиши мумкин. Бу назарий билимларни мустаҳкамлайди.

Ўтган йили тажриба тариқасида вилоятимизнинг Шарoф Рашидов, Зарбдор ва Зомин туманларида “хонадон — кластер” кооперация усулида балиқчиликка қизиқувчи аҳоли хонадонларига Хитой технологияси асосида кичик ҳажмдаги сунъий сув ҳавзалари ўрнатиб, балиқ чавoқлари етказиб бердик.

Натижаси мақтанарли даражада. Ҳозир ўша маҳаллаларда талабгорлар кўпайган.

Бизнинг тажрибамиз бўйича ярим сотиш жойда ҳар олти ойда бир тоннаю икки

юз килограмм, жами бир йилда ўрта ҳисобда икки ярим тонна балиқ олиш мумкин. Шу йўл орқали барча ҳаракатлардан ташқари ўртача 30 миллион сўм соф даромад олинади. Бу ҳар ойда оила бюджетига икки ярим миллион сўм соф кирим бўлди дегани. Энг муҳими, бу иш ортиқча меҳнат талаб қилмайди. Бир кеча-кундузда ҳаммаси бўлиб бир соат вақт ажратилса бўлди.

Бу ишни ҳар ким ўз маблагга ёки банкдан 33 миллион сўм кредит олиб бошлаши мумкин.

— Туманимиздаги балиқчилик кластерида тажриба тўплаб, 6х4 метр жойда 1000 дона сазан балиғи етиштиришни йўлга қўйдик. 150-200 граммли чавoқлар олти ойда қарий бир килою икки юз грамм тош босадиган балиқ бўлади. Шу жойда бир йилда икки марта балиқ етиштиряпмиз. Ўрта ҳисобда бир йилда 30 миллион сўм соф даромад топишни режалаштирганимиз, — дейди Шарoф Рашидов туманидаги Нонисангил маҳалласида яшовчи Арслон Убайдуллаев. — Озгина шу соҳага қизиқиш бўлса, ҳеч иккиланмасдан шуғулланса бўлади. Мендан олдин бошлаганлар Янги йил арафасида балиқларини сотишга қўйилган. Яхши даромад қилди. Келгусида балиқчиликни янада кенгайтириш ниятим бор.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг юқоридagi қарори балиқчиликни ривожлантириш учун соҳа вакилларига кўплаб имтиёз ва имкониятлар тақдим этди. Кўпчиликда ушбу соҳага қизиқиш ва иштиёқ уйғотди.

Ушбу имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, Жиззахдаги балиқчилик кластери тажрибаси республика микёсида кенг татбиқ қилинса, вилоят ва шаҳар марказларидан ташқари, туман ва қишлоқ жойларида ҳам балиқ сотаётган дўконлар очилса, ҳеч шубҳасиз, яқин келажакда худди товуқ маҳсулотларидек, парҳезбop балиқ маҳсулотлари ҳам бозорларимизда мўл бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида амалга оширилаётган бундай саяё-ҳаракатлар инсон сoлoмaтлнк учун зарур бўлган парҳезбop маҳсулотларини кўпайтириш, тадбиркорлиқнинг янги йўналишларини ривожлантириш, шунингдек, жойларда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юқиш йўллари орқали фарқланади

Вирусли гепатит — бир неча турдаги вирус қақирадиган, жигар ҳужайраларини емирадиган касаллик. Улар орасида гепатитнинг А, В ва С турлари нисбатан кўп учрайди. Фақат уларнинг юзага келиш йўллари бир-биридан фарқ қилади. Бугунги кунда гепатитнинг А, В, С, D, E турлари нисбатан тўлиқ ўрганилган.

Вирусли гепатит юқишига кўра иккига — энтераль ва парентералга бўлинади. Энтераль турга А ва E гепатити қиради. Улар сув, озиқ-овқат, кир қўллар орқали юқади. Парентераль — гепатитнинг нисбатан хавфли тури бўлиб, қон орқали — яхши стерилланмаган тиббиёт ускуналари, маникур, педикюр воситалари, томирдан гиёҳвандлик моддаларини қабул қилиш орқали юқади.

A гепатити “ифлос қўл касаллиги”, деб ҳам аталади. Боиси, у нотоза қўл, яхши ювилмаган мева-сабзавот ёки қайнатилмаган сув истеъмол қилиш орқали организмга ўтади. Етарли термик ишлов берилмаган гўшт маҳсулотларини тановул қилиш оқибатида ҳам вирусни юқтириб олиш мумкин.

Мутахассисларнинг айтишича, гепатитнинг мазкур турига чалинганларга кўпроқ мева-сабзавот, оқсилга бой маҳсулотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Оқсил ҳамда C витамини жигар ҳужайраларининг тикланиши учун зарур. Қолаверса, минерал сув истеъмол қилиш ҳам фойдали. Бироқ ёғли, қовурилган, дудланган, аччиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ейиш мумкин эмас. Касалликдан ҳимояланишнинг муҳим омилли — шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, мева-сабзавотларни яхшилаб ювиб истеъмол қилишни унутмаслик.

Ранг кўр, ҳол сўр

В гепатити жигар фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи ўткир ёки сурункали кечадиган касаллик саналади. Мазкур касаллиқни В вируси қақиради. Касаллик соғлом одамга қон ва қон препаратлари, турли инфекциялар орқали юқади. Бугунги кунда дунёда қарийб 240 миллион киши шу касалликка чалинган. Ҳар йили тахминан 600 мингдан зиёд киши унинг оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда.

— Гепатитнинг В тури жиддий хавф туғдирадиган касаллик саналади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош болалар инфекционисти, тиббиёт фанлари доктори Гулнора Худойкулова. — Унинг хавфли томони, касаллик сурункали босқичга ҳам ўтиши мумкин. Гепатитнинг сурункали кечиши эса вазият жиддийлигидан далолат

беради. Бу жигарнинг ишдан чиқишига, жигар циррози ёки саратонига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда В гепатитига қарши эмлаш жорий қилинган. Бола туғилганининг иккинчи ёки учинчи кунини В гепатитига қарши эмланади. Мазкур вакцина боланинг В гепатитига қарши ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Эмланишнинг яна бир яхши томони, у бир вақтнинг ўзига D гепатитидан ҳам ҳимояни таъминлайди. Болалар мажбурий тарзда бепул вакцинадан ўтказилса, катталар ихтиёрий тарзда эмланиши мумкин. Мамлакатимизда В гепатитига қарши эмлаш жорий этилган туфайли бугунги кунда болаларимизда В гепатити касаллиги деярли учрамайди. Юртимизда А гепатитига қарши эмлаш ҳам жорий этилган.



Асорати яширин кечади

Гепатитнинг С турига чалинган тахминан 80 фоиз беморда касаллик билан боғлиқ деярли ҳеч қандай асорат намоён бўлмайди. Натижада касалликка чалинганларнинг 90 фоизи инфекцияни юқтириб олганини, организми хавф остида қолаётганини ҳатто пайқамайди ҳам. Шу боис, кўп ҳолларда С гепатити тасодифан аниқланади.

Ушбу касалликка гиёҳвандлар кўп чалинади. Сабаби, улар томирига гиёҳвандлик моддаси юборишда асосан битта шприцдан фойдаланади. Стоматологияда, қон қуйиш марказида яхши стерилланмаган тиббиёт асбоблари орқали, маникур салонлари ва сартарошхоналарда бировнинг устараси ёки қайчисида ёхуд яхши тозаланмаган татуировка асбобларидан фойдаланиш орқали ҳам касаллиқни юқтириб олиш мумкин.

— У жуда ўзгарувчан вирус саналади, — дейди Г.Худойкулова. — Мазкур вирус тузилиши мураккаб ва у ҳолатини ўзгартириб туради. Шу боис, унга қарши вакцина ҳозирча мавжуд эмас. У одамда тананинг сариқ тусга кириши каби ёрқин белгиларни намоён қилмайди. У кўп ҳолларда сурункали тус олади. Сурункали босқичга ўтган С гепатитини вақтида даволамаслик жигар циррози ёки саратонини келтириб чиқаради. Бугунги кунда дунёда, хусусан, мамлакатимизда С гепатитини даволаш бўйича яхши натижаларга эришилмоқда. Ававаллари, масалан, ун йилча олдин унга даволаб бўлмайдиган хасталик сифатида қараларди. Унга қарши дори-дармон кам самара берган. Бугунги кунда гепатитнинг С турига қарши дори борлиги боис, 99 фоиз ҳолатда беморлар касалликдан фориғ этилмоқда.

Соғлом турмуш тарзи — ишончли ҳимоя

Мамлакатимизда вирусли гепатит ҳамда бошқа вирус ва инфекцияларга қарши курашиш борасида мустақкам тизим яратилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-текшириш институти бу йўналишда фаолият юритаётган етакчи илм-фан ва шифо муассасаларидан биридир. Институт ОИВ/ОИТС, вирусли гепатитлар, жигар циррози, янги ва қайта пайдо бўлаётган вирусли инфекциялар, грипп, ичак инфекциялари йўналишлари бўйича фаолият кўрсатади. Вирусология илмий-текшириш институти вирусология ва юқумли касалликларнинг барча соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беради. Институт клиникасида бундай турдаги касалликлар самарали даволаммоқда.

— Тиббий хизмат сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган узлуксиз чоратadbирлар туфайли мамлакатимизда вирусли гепатит касаллигига қарши курашишнинг самарали тизими яратилди, — дейди Вирусология илмий-текшириш институти клиникаси бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Муҳайё Асипова. — Клиникамизда бошқа юқумли касалликлар қатори ўткир ва сурункали вирусли гепатит, жигар циррози билан касалланган беморларга даволаш-профилактика ёрдами кўрсатилади. Жаҳон илм-фанининг сунги ютуқлари асосида жиҳозланган клиник ва биокимвий лабораторияларда яратилган шароитлар туфайли вирус тури, одам ва вирус геномлари чуқур таҳлил этилиб, касаллик сурункали турга ўтиш ёки ўтмаслиги олдиндан аниқланмоқда. Бундан ташқари, жигар хасталикларини эрта аниқлаш ва даволашда жаҳон миқёсида кенг қўлланилаётган энг илгор усуллар ҳам клиник амалиётга татбиқ этилган. Бунинг натижасида касалликларни даволашда самарали кўрсаткичлар эришилмоқда.

2017 йил 24 июль кунини Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-таdbирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор вирусли гепатит тарқалишининг олдини олиш, самарали профилактика тизимини ташкил қилиш, юқумли касалликларга таъхис қўйиш ва уларни даволашнинг илгор усулларини жорий этиш, республика юқумли касалликлар муассасалари моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда тузилмасини тақомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарор асосида 2018 йилда вилоятлардаги юқумли касалликлар касалхоналарида гепатология марказлари ташкил қилина бошлади. Бугунги кунда ҳудудларда гепатология марказлари очилиши билан вилоятлар аҳолисининг овора бўлиб пойтахтга боришига ҳожаат қолмапти. Чунки бундай марказларда сурункали гепатит

касалликлари ва жигар циррози билан оғриган беморларни текшириш, даволаш, кузатиш ҳамда рўйхатга олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудида вирусли гепатитга қарши курашиш борасида олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи кучайтирилгани туфайли мазкур касалликка чалиниш кўрсаткичлари сезиларли қамайди. Мисол учун, 2000 йилда мамлакатимизда 57,8 минг, 2010 йилда 36,4 минг нафар киши ушбу касалликка чалинган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 11,5 минггача ташкил этган. Кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгаришига болаларнинг ўз вақтида А, В гепатитига қарши эмланаётгани, С гепатитига қарши самарали даво чоралари кўриллаётгани асосий омил бўлмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилга кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот 10 фоизни, ирсий омиллар 15 фоизни, атроф-муҳит ҳолати 20 фоизни ташкил этади. Инсон турмуш тарзи (жисмоний фаоллик, овқатланиш, зарарли одатлар) унинг саломатлигига 55 фоизгача таъсир кўрсатади. Демак, жисмоний фаоллик ва тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига қўл нарсаси боғлиқ. Коронавирус пандемияси инсониятга бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади.

Президентимиз мамлакатимизда тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган видеоселектор йиғилишларида бу масалага бот-бот тўхталиб ўтаётганининг боиси ҳам шунда. Бугунги кунда юқумли касалликлар, бу коронавирус бўладими ёки вирусли гепатитми, асосан, соғлом турмуш тарзига, тозалikka, соғлом овқатланиш қоидаларига риоя қилмасликдан келиб чиқмоқда.

Статистиканинг далолат беришича, пандемия бошланганидан буён мамлакатимизда аҳолининг шахсий гигиена қоидаларига кўпроқ риоя қила бошлагани, турли антисептик воситалардан мунтазам фойдалангани, кўчага чиққанда тиббий никоб тақиб юргани эвазига нафақат коронавирус, балки вирусли гепатит ва бошқа юқумли касалликларга чалинишнинг сезиларли равишда қамайишига эришилди.

Мухтасар айтганда, вирусли гепатитнинг қайси тури билан оғришдан қатъи назар, касаллиқнинг илк белгилари пайдо бўлиши биланок шифокорга мурожаат қилиш, хасталикка йўлиқмаслик учун эса соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилиш лозим. Зеро, касаллиқни даволадан кўра, унинг олдини олган маъқул.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАРАҚҚИЁТ

ИЛМ-ФАН АҲЛИДА УМИД УЙҒОТГАН КУН

Учинчи Ренессансга элтувчи янги имкониятлар эшигини очди

Дилором ТўРАЕВА,
Фанлар академиясининг илмий кадрлар бошқармаси бошлиғи, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Оқилона кадрлар сиёсати юритиш, мутахассисларни билим ва савиясига қараб саралаш ҳамда тўғри жойлаштириш ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти негизини ташкил қилган. Бу жараён ҳозир ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Зеро, юқори малакали кадрларга эга давлатгина юқалиш сари дадил қадам ташлай олади.



ча эсда қоладиган кун бўлган, десак асло муболага эмас. Давлатимиз раҳбарининг биринчи учрашуви халқимизнинг зиёли қатлами бўлган академиклар, илм-фан арбоблари билан бошлаганининг ўзиёқ илм аҳлида эртанги кунга ишонч уйғотган эди.

Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада тақомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-таdbирлари тўғрисида”ги фармони мувофиқ, Фанлар академиясининг академиклари энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки баробари миқдоридо ойлик гонорар ҳамда бир нафар кузатуви билан бирга йилига бир марта ўзи учун мақбул бўлган мuddатда юртимизда мавжуд дам олиш муассасалари ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги “Ўзбекистон” санаторийларидаги

соғломлаштириш курсидан бепул ўтиш ҳуқуқига эга бўлди. Оммавий ахборот воситалари орқали илм-фан фидойилари бўлган академикларнинг ҳаёт йўли кенг тарғиб қилинди, ёшларни илм-маърифатга қизиқтириш жараёни қизғин бошланди. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан намоёндалари бешигидир. Юртимизда азалдан олиму уламолар ардоқланган. Илм-фан ривожини учун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган. Асосийси, Ренессанс, яъни Уйғониш даври ҳам бевосита илм-фанга юксак эътибор билан боғлиқ. Ватанимиз тарихида ушбу тамаддун IX–XII асрларда ҳамда Соҳибқирон Амир Темур ва теурийлар даврига тўғри келади. Улардаги умумий жиҳатлардан бири илм-фан равнақига

давлат миқёсида эътибор қаратилгани ва ҳомийлик қилинганида яққол кўринади.

Дарҳақиқат, ўша кундан бошлаб Фанлар академиясига янги ҳаёт нафаси кириб келди. 2012 йилдан босқичма-босқич олий таълим муассасалари тасарруфига ўтказилган илмий-тадқиқот муассасалари давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада тақомиллаштириш чора-таdbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Фанлар академияси тасарруфига қайтарилди. Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимида Фанлар академияси фундаментал тадқиқотлар етакчиси сифатида алоҳида эътироф этилди. Йилгирма йиллик танаффусдан сўнг Президентимизнинг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мувофиқ, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига танлов ўтказилди. Унга асосан, 32 нафар академик тасдиқланди. Натижада уларнинг сони 63 нафардан 95 нафарга қичди. Бу эса илм-фан фидойиларига улкан ишонч ва эътиборнинг яққол исботи бўлди.

Илмий ходимларнинг ойлик маоши бир неча баробар оширилиши туфайли иқтисодий қийинчиликлар сабаб бошқа соҳага ўтиб кетган илмий ходимлар илм-фанга қайта бошлади. Фанлар академияси тизимида янги илмий муассасалар ташкил қилинди. Илмий ходимларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу саъй-

ҳаракатлар самараси ўлароқ, 2017–2020 йилларда тизим томонидан уларга имтиёзли кредит асосида 82 та, шунингдек, бепул 25 та хонадон ажратилди. Илм-фан ва таълим ходимларини моддий рағбатлантириш, уларга янада қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, фан докторларига 60 фоиз, фан номзоди ва фалсафа докторларига 30 фоизгача устама ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди.

Тахлилларга мурожаат қилсак, 2016 йилда Фанлар академияси тизимида 21 та илмий-тадқиқот муассасаси, жумладан, 3 та музей фаолият кўрсатган. Жами ходимлар сони 3295 нафар бўлиб, илмий ходимлар 1412, академиклар 63, фан докторлари 201, фан номзодлари 504 нафарни ташкил қилган. 164 нафар катта илмий ходим-изланувчилар докторантурада тахсил олган.

Кейинги йилларда илм-фан соҳасида олиб борилган ишloхотлар натижасида 2022 йилнинг январь ҳолатига кўра, Фанлар академияси тизимида 35 та илмий ташкилот, жумладан, 4 та марказ, 3 та музей ва бошқа ёрдамчи ҳўжалик ташкилотлар мавжуд. Уларда 5413 нафар ходим, жумладан, 2922 нафар илмий ходим, 68 нафар академик, 506 нафар фан доктори, 868 нафар фан номзоди (фалсафа доктори) фаолият олиб бормоқда.

Ҳозир Фанлар академияси тасарруфидида 29 та илмий ташкилот докторантурасида жами 551 нафар таянч докторант, 59 нафар докторант, 100 нафар стажёр-тадқиқотчи ва 130 нафар мустақил изланувчи тахсил олмоқда. 2021 йилда таянч докторантурани 120 нафар тадқиқотчи тўғаллаб, 77 нафари ўз диссертациясини мuddатда, докторантурани эса 22 нафар докторант битириб, 11 нафари илмий ишини муваффақиятли ёқлади.

Утган давр мобайнида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда “Эл-юрт умиди” жағмармаси орқали 150 га яқин ёш илмий ходим хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий марказларида тажриба орттириб, ўзлаштирган билимларини амалиётга татбиқ этмоқда.

Шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим квоталарини босқичма-босқич ошириш, илмий даражали кадрлар тайёрлаш жараёни шаффофлигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида ҳам қатор ишлар қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-таdbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, академия тасарруфидидаги докторантурани битирган 15 нафар докторант ўз докторлик диссертациясини мuddатидан аввал ёқлагани учун ҳамда уларнинг илмий раҳбарлари қолган даврга мўлжалланган стипендия ва гонорар миқдорини мукофот тарзида олишга муваффақ бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, кадрлар, хусусан, илмий кадрлар масаласига қаратилган эътибор, улар учун яратилган шарт-шароитлар, рағбатлантиришлар ўз натижасини аста-секин бермоқда. Зеро, фундаментал фан ривожини йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар маъсули йиллар давомида самара бериши барчага маълум ҳақиқат.



Биз ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Сайёра ТҶҲИЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, фалсафа фанлари доктори

Инсон тирик экан, куй-қўшиққа, кўнгилга кайфият бахш этгувчи санъат дурдоналарига эҳтиёж сезади. Маданият ва санъат — жамиятнинг бебаҳо хазинаси, инсон тафаккурининг бемисл кашфиётидир. Ижод ва маҳоратнинг, тинимсиз изланишнинг энг олий даражасида яратилган асарларгина инсон кўнглини ишғол қила олади, юрагига етиб боради. Иқтидорли инсонлар ўзгалар кўз ўнгига ҳайратлар яратади, эртанги кунига ишонч, замзум ато этади. Кўнглингизга чирик ёқиб юборадиган сўзлар, наволар, драматик саҳна, экран асарлари, амалий, хунармандчилик асарлари ишингизга унум, кунингизга файз бахш этади.



музыка фестивали нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё санъатсевар аҳли ўртасида иқодий дўстлик ривожланиши билан боғлиқ. Дунё тинчлиги, халқлар ўртасида дўстлик ва аҳилликни кенг тарғиб қилишга хизмат қилаётгани, очик осмон остидаги музей саналимиш Самарқанд жаҳоннинг музикаий пойтахтига, қадимий Регистон музикаий саҳнага айлангани рол.

Илоҳий кучнинг, беназир мўъжизанинг тимсоли санъат, маком эса мана шу илоҳийликнинг олий даражадаги кўринишидир. Ун икки асрдан бери муомтаз куй-қўшиқларимизни ардоқлаб келаётганимиз, ўзликни, миллийликни англаш мезони саналимиш макомни келгуси авлодга беэвол етказмоқ ниятида давлат раҳбари томонидан 2017 йил 17 ноябрда қабул қилинган "Ўзбек миллий маком санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор миллий музика санъати саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Шахрисабздаги Халқаро маком санъати анжумани эса ушбу нодир санъат байрамини дунё эътирофига ҳавола этди. "Президентимиз Американига келиб, кўп йиллик самарали ижодим, маком санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маданият меросини дунёга тарғиб этишдаги қўшган ҳиссам учун Ўзбекистон халқ артисти унвони билан тақдирлаганда кўзимдан ёш чиқиб кетди", дея ойна жаҳонда миннатдор сўзлайди Америкада яшаётган юрдошимиз Изро Малаков.

— "Шашмаком"ни Европа мамлакатларида музика мутахассислари, ихлосмандлари ҳам турли концерт ва фестивалларда тинглаб, баҳолаб келади. Уни Германия, Франция музика мутахассислари тадқиқ қиляпти, ҳатто чанг созида иштиёқ билан икром этмоқда. Улар шунчаки музика чала билмиш иштиёқини намоён қилиш учун эмас, "Шашмаком"га қизиқиб, оҳангига мафтунлигини таъкидлаган ҳолда ўрганаётганини гурур ва ҳавас уйғотади. Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музика санъати институти фаолияти йўлга қўйилгани, ҳудудларда ихтисослаштирилган маком мактаблари очилгани ўзбек макоми ривожига ҳали катта самаралар келтиради, — дея фарқланб эътироф этади Ўзбекистонда хизмат қилган артист, таниқли дирижёр Камолиддин Уринбоев.

Ўзбекистон Қажрамони Муножат Йўлчиевнинг чет эллардаги, айниқса, Франциядаги концертлари ўзбек санъати, макомининг хорижда катта оқшолар билан қутиб олинаётганини неча бор қузнатганимиз.

Афсонавий Ҳайқун ва Сайхун оралигидаги қил-виллазиялар яратган ота-боболаримиздан қолган миллий қадрият — бахшичилик санъати борасида "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорлари юртимиздаги бахши, оқин ва жировларнинг юрагига қанчалар сурур бахш этган экан?

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музика санъати институтида "Бахшичилик ва достончилик" таълим йўналиши бўйича иқтидорли талабалар ўқини бошлагани, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

тармоқ марказида болалар музика ва санъат мактабларида фаолият кўрсатаётган бахши педагоглар тизимли малака ошираётгани янги истеъодлар учун олтин зина бўлиши тайин.

Институтимиз талабаси, "Нихол" мукофоти савриндори Аҳрор бахши Усмоновнинг фахрлиниб қирғизистонлик бахши дўсти Азиз Ботиров билан Озарбайжон, Туркия, Қозғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистонда яшаб ижод қилаётган бахши ва оқинлар ҳамкорлиқда "Қардошлар" деб номланган музикаий асар яратишни бошлагани, Москвадан, Япониядан ҳамкорлик бўйича тақдирлар олганини тинглашнинг ўзи мароқли.

Термиз ва Нукус шаҳарларидаги фестивалларда АҚШ, Болгария, Эрон, Жанубий Корея, Молдова, Россия, Туркия, Франция, Хитойдан таширф буюрган бахшилар ва соҳа тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган олимлар иштироки ва биздаги бу санъат тараққиёти ҳақидаги фикрлари ўзи бир дунё.

Манбаларда келтирилишича, юртимизда 8 мингдан зиёд маданий мерос объекти мавжуд. ЮНЕСКОнинг Инсоният номодий маданий мероси рўйхатида биздан 10 та мерос — "Бойсун тумани маданий макони", "Шашмаком" муомтаз музикаси, "Катта ашула", "Аския санъати", "Наврўз", "Палов маданияти ва аънавлари", "Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази: (атлас-адрес)", Хоразм раски "Лазги", "Миниатора санъати" ва "Бахшичилик санъати" киритилди.

2018 йил 1 ноябрда имзоланган "Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарори эса Қўқон шаҳрида ўтказилган Халқаро хунармандчилик фестивалига, жаҳон хунармандчилик Кенгазининг 2019 йил 23 июлдаги қаро-



рига кўра, Қўқон шаҳрига ёғоч ўймакорлиги бўйича Хунармандчилик шаҳри макоми берилишига сабаб бўлди. Шу давргача жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 35 та шаҳарга мазкур макомга сазовор экани, Қўқон шаҳри МДХда биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киргани миллий хунармандчилик саҳифасининг ёрқин акси. Ушбу нуфузли анжуманда 79 та давлатдан хунармандчиликнинг 29 йўналиши бўйича 200 га яқин хориқлик давлат арбоблари ва олимлар иштирок этгани ушбу нодир санъатни жаҳон саҳнаси-га олиб чиқишга замин яратди.

"Ўзбекистон Республикасида миллий маданият-ни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор соҳадаги ташкилий-ҳуқуқий-меъ-ёрий ҳужжатларни тартибга солиш, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари неғизда маданият мар-казлари ташкил этиш, соҳа фидойилари меҳнатини рағбатлантириш каби қўллаб масалаларни ҳал этиш борасидаги ҳуқуқий ҳужжат сифатида жамоатчилик-нинг эътирофига сабаб бўлди.

2018 йил 19 декабрда имзоланган "Моддий-маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш соҳа-сидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорида моддий-маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойда-ланиш, Ўзбекистоннинг сайёхлик салоҳиятини ривожлантириш, масалан, "Саришсой", "Шахрисабз", "Термиз" ва "Қўқон" давлат музей-қўрқоналарини ташкил этиш масалаларига қаратилгани ҳам фикри-миз исботидир.

Миллий цирк санъати такомилли йўлидаги дадил қадамлардан бири сифатида Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2019 йил 23 январдаги қарорига кўра, цирк дас-турлари ва спектаклларнинг бадиий савиясини оши-риш, цирк мутахассислари тайёрлашда инновацион услубларга таяниш, дунёга машҳур цирк артистла-рининг маҳорат дарсларини ташкил этиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширила бошлагани-ни айтиб ўтиш мумкин. Франциянинг "Cirque du Soleil", Хитойнинг "Чанг Лонг" халқаро цирки, Россиянинг "Москва цирки", "Москва катта цирки" каби цирк-лар гастролларини ташкил этиш, шунингдек, Монте Карло ва Будапешт халқаро цирк фестивалларига муносиб цирк дастурларини тайёрлаш масалалари қўрилаётгани эса миллий циркимизнинг жаҳон саҳна-ларига чиқиш тадоригидан хабар бермоқда.

"Миллий рақс санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 4 февралдаги Президент қарорлари билан халқимиз қанча вақтдан бери кутаётган хайрли ишлар рўёбга чиқди. Дунёга машҳур Мукаррама Турғунбоева номи-даги "Баҳор" давлат рақс ансамбли қайтадан ташкил этилди. Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби неғизда миллий олий таълим муассаса-сиси шаклида Хореография Академияси очилди. На-тижада санъатсевар ёшларимизга рақс санъатининг иқодий, илмий-услубий ва икром аънавларини пухта ўзлаштириш, "устоз-шогирд" мактабларидан баҳра-манд бўлиш имкони яратилди.

Давлатимиз раҳбари Комилжон Отаниёзовнинг Хоразм воҳасида ўтган юз йиллик юбилейида маш-хур ҳофизнинг минглаб шогирдлари борлигини ало-ҳида ҳурмат билан эътироф этганида халқимиз буни юксак оқшоллар билан қарши олди.

Қадим Хоразмнинг "таширф қозғоғи" аталмиш "Лазги"си "Хоразм раски — Лазги" номи остида ЮНЕСКОнинг Инсоният но-модий маданий мероси рўйха-тига киритилгани ҳам барчамиз учун қувонарлидир.

Ўзбек эстрадаи миллий қиёфасининг асос-чиси, серқирра иқодкор, драматургия, режиссура, кино, проза, тасвирий санъат фидойиси Ботир Зо-кировнинг XX аср замонавий ўзбек музика санъ-атини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтаргани, республикада етук "Мюзик-холл" сингари эстрада жамоасини ташкил этгани муҳлисларга маълум. Романслар, опералар, арияларни юксак профес-сионал услубда икром этган таниқли санъаткорнинг ҳинд, эрон, тожиқ, араб, украин, италян, серб, рус, француз тилларидаги қўшиқлари умумжаҳон музика маданиятида катта ўрин топган. Президентимиз-нинг 2020 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг ни-шонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Ботир Зокиров но-мидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этилгани, миллий эстрада йўналишида замонавий икром намуналарининг "Олтин фонд"и яратилгани ҳам санъат ихлосмандларининг кўнглидаги муддао бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жа-мийат ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам со-ҳадаги қўллаб яқши воқеаларни сабабчиси бўлди. Музейлар реновация дастурини яратиш, ҳар ой-нинг биринчи яқшанбасини музейларда "очик эшик-лар кун"и ўтказиш, Республика Кўнгиноқ театрига Ўзбек Миллий кўнгиноқ театри макомини бериш, Ўзбек давлат цирки моддий-техник базасини мус-таҳкамлаш, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек мил-лий музика санъати институти, Маданий мерос илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш бора-сидаги амалий ишлар учун катта йўл очиб берди. Шунингдек, энг катта англияликлардан бири санъат-корларнинг интеллектуал ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг янги тизими — санъаткор, иқод-кор ва икромчиларнинг муамлифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилди. Ушбу пала-тага қатор ваколатлар берилди. Биринчи навбатда, иқодкорлар томонидан яратилаётган асарларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши бу санъаткорни

ўз иқтидорини намоён этишга, умрбоқий асарлар яратишга ундайди.

Қўнунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2021 йил 6 январда Сенат томонидан маъқулланган "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғ-рисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун маданий фаолиятни, маданият ташкилотлари фаолияти соҳа-сидаги муносабатларни тартибга солиш, иқодкорни, иқодий жамоани, иқодий фаолиятни қўллаб-қувват-лаш борасида ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Юрти-мизда маданий-оммавий тадбирлар концерт-томоша фаолияти халқ иқодийети, халқ ўйинлари, маданият марказлари фаолияти, миллий маданий марказлар, маданий фаолият соҳасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш маданий объектиларини ва санъат асарларини оммалаштириш, олис ҳудудларда ма-даниятни ривожлантириш, маданият ҳодимларини ихтимой ҳимоя қилиш борасидаги дастуриламал ҳисобланади.

2021 йил 7 апрелда имзоланган "Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада тако-миллаштириш тўғрисида"ги Президент фармони ва "Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизими-ни такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг иқодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғ-рисида"ги қарорига асосан ўтказилган "Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқаро кинофестивали ўзбек киносининг жаҳон киноси билан синтезлашувининг акси сифатида намоён бўлди. 1968-1997 йиллар да-вомида Ўзбекистонда ўтказиб келинган "Осиё, Аф-рика ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тош-кент халқаро кинофестивали" "Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тиклангани миллий кино санъати ривожини йўлидаги яна бир нурли қадам бўлди. "Ипак йўли дурдонаси" XIII Тошкент халқаро кинофестивалига 50 дан ортиқ мамлакатдан 400 га яқин таниқли кинопродюсерлар, режиссёрлар, киноолдузлар ва кинокомпаниялар вакиллари таширф буюрди. Анжуман доирасида ўт-казилган "Жаҳон киноси" кунларида 14 давлатнинг махсус кино кунлари бўлиб ўтгани хориждан таширф буюрган меҳмонларга ҳам, юртимиздаги кино ихлос-мандларига ҳам ўзгача завқ ва шижоат бағишлади.

Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги "Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирли-ги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожланти-риш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мод-дий-маданий мерос объектиларини аниқлаш, келгуси авлодга уларни бос-бутун ва оқорли ҳолатда топши-риш, миллий музейлар фаолиятини тарққий топши-риш, моддий-маданий меросимизни кўз қорачиқдек асраш масалаларини ўз ичига олган.

Миллий опера ва балет санъатини жаҳон миқ-ёсида тарғиб қилиш, опера ва балет санъатининг нуфузини ошириш мақсадида 2021 йил 27 декабр-да қабул қилинган "Опера ва балет санъатини яна-да ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори эса "Ёш опера икромчилари", "Ёш балет икромчилари", "Дирижёр, режиссёр ва балет-мейстерлар" кўрик-танловлари, Ҳалима Носирова номидаги халқаро вокал кўрик-танлови, "Тошкент баҳори" халқаро балет фестивалини ўтказишга катта йўл очиб бергани, театр жамоасининг қатор хорижий мамлакатларда ўзбек опера санъатини намоийиш қилишлари, соҳага истеъодли ва малакали кадр-ларни етиштиришга хизмат қилишига катта замин яратади. Опера санъати усталари Рама Усмонов, Мўяссар Раззоқовнинг издошларини тарбиялашга кўмаклашади.

Ҳиндда бўлиб ўтган Марказий Осиё республика-лари ва Ҳиндистон республикаси раҳбарлари ишти-рокидаги "Ҳиндистон — Марказий Осиё" саммитида Ўзбекистон раҳбари маданий-гуманитар соҳада, ҳу-сусан, музейларро ҳамкорлик, қўризма ва анжуман-лар ташкил этиш, қўлғежа фондларини рақамлашти-риш ва виртуал кутубхона яратиш, умумий-тарихий археологик меросни тадқиқ этиш, минтақа мамлакат-ларида ҳинд маданияти ва киноси фестивалларини ўтказиш мақсадида "2022 йилни Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари маданияти ва санъати йили" деб номлашни тақдир этди. Бу хайрли ташаббус беш мамлакат халқининг муштарак умуминсоний қадрият-ларида садокат фазилатларининг амалдаги исботи бўлиб тарихга муҳрланади.

Биз мазкур мақолада маданият ва санъатнинг ин-соннинг маънавий камолотга эришишига хизмат қи-лувчи тарихий ишлохотлар, инсон руҳиятининг бена-зир қизиларига эзгулик, меҳр, яхшилик сыйратлари билан беэовчи халқаро анжуманлар ҳақида сўзладик. Беқиёс илҳом ва ижод соҳибларининг беш йил даво-мида давлатимиз ва ҳукуматимиз бошчилигида ўзбек маданияти ва санъатини дунё минбарларида, жаҳон саҳналарига олиб чиққан фазилли тадбирлари ҳақида мулоҳаза юритдик.

Ушбу шарофли қасб эгалари тарихда биринчи марта шу йилнинг 15 апрелида Маданият ва санъат ҳодимлари кунини — қасб байрамини нишонлайди. Халқнинг ҳар бир байрамига, қайсиёб тадбирларига ҳизмат қилган зиёли инсонларнинг байрами ҳам шу-қушди ва эсда қоларли ўтиши тайин.

Иқод — бу хайрат дамек. Ватанни севмоқни, уни асрамоқни, инсон қадрини улуғламоқни ҳайрат-ланарли асарларда ифода этаётган иқодкорлар халқнинг мулки, халқнинг бойлигидир. Чин юрак меҳри билан яратилган асарлар эса тўпа-тўғри юракка етиб боради.

Зотан, ноёб иқтидор эгаларига кўп нарсга қараб эмас, жамият эътирофи ва озгина меҳру эътибор керак, зарарига эътибор ўлмас асарлар яратишга, халқнинг эртанги умидларини рўёбга чиқаришга ба-ғишланган зарсаҳифалар битишга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғежалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 255
76709 нуҳсада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона маъзилли: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Ёгамқулов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:00 Топширилди — 00:45